O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
ANDIJON VILOYATI ANDIJON SHAHAR HOKIMINING
QARORI

710000 Андижон шаҳри Тошкент кўчаси, 8-уй, Тел: 227-63-58

2021 - yil 30 - dekabr 139-1-29-Q/21 Andijon shahar hokimligi

Андижон шаҳар ҳудудида юзага келаётган тирбандликларни олдини олиш, транспорт ва пиёдалар оқимини тартибга солиш тўғрисида.

Андижон шаҳар кўчаларида йўл ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш, транспорт воситаларини ҳаракатини тартибга солиш, жамоат тартибини сақлаш мақсадида Андижон шаҳар ИИО ФМБ ЙҲХБнинг 2021 йил 15 ноябр кунги 30/18-218-сонли хатини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонуннинг 6-, 25-моддаларига асосан,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :

1. Андижон шаҳридаги айрим кўчаларда йўл ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш, транспорт воситаларини ҳаракатини тартибга солиш ва транспорт воситалари тирбандлигини олдини олиш мақсадида 3.27 «Тўхташ тақиқланади» белгисини ўрнатишга рухсат берилсин.

2. Андижон вилоят махсус эксплуатация-монтаж бўлинмаси бошлиғи (К.А.Джаббаров)га Андижон шаҳар ҳудудидаги айрим автомобиль йўлларида ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш ва транспорт воситалари тирбандлигини олдини олиш мақсадида:

- Андижон шаҳар Мустақиллик МФЙ, Пушкин кўчасини А.Навоий шоҳ кўчаси кесишмасидан ҳамда Пушкин кўчасини Х.Хакимзода кўчаси билан кесишган кириш (бошланиш) қисмига транспорт воситаларини ҳаракатини чекловчи 3.27 «Тўхташ тақиқланади» белгисини ўрнатиш вазифаси юклатилсин.

3. Андижон вилояти “Махсус эксплуатация-монтаж бўлинмаси”га Андижон шаҳрида ноқулай об-ҳаво шароитларида маънан эскирган йўл

белгиларини ўрнига кўриниш даражаси юқори бўлган нур қайтарувчи светодиодли йўл белгиларига алмаштирилишига рухсат берилсин ва сақланишини таъминлаши белгилаб қўйилсин.

4. Андижон шаҳар ИИО ФМБ Йўл ҳаракати хавфсизлиги бўлими (Б.Абдувахобов)га:

- Андижон шаҳар ҳудудида юзага келаётган тирбандликларни олдини олиш, транспорт ва пиёдалар оқимини тартибга солиш мақсадида юқорида кўрсатилган кўчаларда йўлнинг икки томонига 3.27 «Тўхташ тақиқланади» белгисини ўрнатилиши, жамоат тартибини сақлаш ҳамда транспортлар қатновини тартибли равишда ташкил этишда маъсул ходимларни бириктириб, тегишли чоралар кўриб борсин.

5. Ушбу қарор қабул қилингандан сўнг расмий нашрларда эълон қилинсин ҳамда ҳокимлик расмий веб-сайтида жойлаштирилсин (расман эълон қилингандан кейин бир кун ичида).

6. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш шаҳар ҳокимининг ўринбосари Ш.Шакиров зиммасига юклатилсин.

Шаҳар ҳокими **Б.Хайдаров**